

6-1-2020

WAYS TO MAKE STABILITY CAPITAL BASES OF COMMERCIAL BANKS

B. Odilov

Tashkent Financial Institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Odilov, B. (2020) "WAYS TO MAKE STABILITY CAPITAL BASES OF COMMERCIAL BANKS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2020 : Iss. 3 , Article 12.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss3/12>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Б.Ф.Одилов

Тошкент молия институти

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛ БАЗАСИНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Илғор хориж тажрибаси кўрсатадики, тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигини таъминлаш улар фаолиятининг барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи шарти ҳисобланади. Шу сабабли, банкларнинг капитал базаси барқарорлигини таъминлаш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўз ва иборалар: регулятив капитал, биринчи даражали капитал, капиталнинг етарлилиги, тижорат банки, активлар, мажбурият, девальвация захираси, тақсимланмаган фойда, захира, пруденциал меъёрлар.

ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТАБИЛЬНОСТИ КАПИТАЛЬНОЙ БАЗЫ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Как показывает передовой зарубежный опыт, обеспечение стабильности капитальной базы коммерческих банков является первичным условием обеспечения стабильности их деятельности. Поэтому, научное исследование вопроса обеспечения стабильности капитальной базы банков имеет важное значение с точки зрения обеспечения стабильности банковской системы.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанные с обеспечением стабильности капитальной базы коммерческих банков Республики Узбекистан и разработаны научные предложения, направленные на решение этих проблем.

Ключевые слова: регулятивный капитал, капитал первого уровня, достаточность капитала, коммерческий банк, активы, обязательства, резерв на девальвацию, нераспределенная прибыль, резерв, пруденциальные нормы.

WAYS TO MAKE STABILITY CAPITAL BASES OF COMMERCIAL BANKS

As international best practice shows, ensuring the stability of the capital base of commercial banks is the primary condition for ensuring the stability of their activities. Therefore, a scientific study of the issue of ensuring the stability of the capital base of banks is important from the point of view of ensuring the stability of the banking system.

The article identifies current problems associated with ensuring the stability of the capital base of commercial banks of the Republic of Uzbekistan and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: regulatory capital, tier-one capital, capital adequacy, commercial bank, assets, liabilities, reserve for devaluation, retained earnings, reserve, prudential norms.

Кириш

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ва ишончилигини ошириш мамлакат банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида эътироф этилган [1]. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигини таъминлаш масаласини илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганиш заруриятини юзага келтиради.

Айни вақтда, республикамиз тижорат банкларининг капитал базасининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар мавжуд. Жумладан, девальвация захираси тижорат банкларининг биринчи даражали капитали таркибига киритилган. Ҳолбуки, Базель стандарти бўйича девальвация захирасини тижорат банклари капитали таркибига киртиш умуман мумкин эмас. Бундан ташқари, тижорат банклари регулятив капиталининг таркибида, банкларнинг акцияларини инвестицион жозибадорлиги таъминланмаганлиги учун, қўшилган капиталнинг салмоғи жуда паст.

Республика тижорат банкларининг капитал базасини барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилишда асосий эътиборни илғор хориж тажрибасини таҳлил қилиш ва ундан Ўзбекистон аниқ амалиётида фойдаланиш имкониятларини асослашга қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунинг сабаби шундаки, хорижий давлатларда, хусусан, тараққий этган мамлакатларда тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигини таъминлаш борасида катта тажриба тўпланган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Ж.Синкининг хулосасига кўра, банкларнинг депозитлари ва бошқа пасивлари юзасидан берилган Ҳукуматнинг кафолатлари корпоратив қимматли қоғозларга нисбатан татбиқ этилмайди ва улар учун капитал муҳим таъминот вазифасини бажаради. Бироқ, оддий акциялар банклар фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан қиммат шакли бўлганлиги сабабли, банклар, харажатларни қисқартириш мақсадида, қарз инструментларидан кўпроқ фойдаланишга ҳаракат қилишади [2].

Ж.Синки бу ерда тижорат банклари капиталини муҳим ҳимоя функциясини эътироф этган ҳолда, уни молиялаштиришнинг қиммат манбаи эканлигини қайд этади.

В.Усоскининг фикрига кўра, тижорат банклари капитал базасининг барқарорлиги капиталнинг етарлигида намоён бўлади: банкнинг балансида рискли активларнинг салмоғи қанчалик юқори бўлса, унинг капитали шунчалик катта бўлиши керак [3].

В.Усоскиннинг ушбу хулосаси Базель кўмитасининг капиталнинг етарлилигини аниқлаш методикасига асосланган. Яъни, Базель стандартига кўра, тижорат банклари капиталининг етарлилиги регулятив капиталнинг активларни рискка тортилган суммасига нисбати шаклида аниқланади.

О.Лаврушиннинг хулосасига кўра, тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигини таъминлашда қуйидагилар муҳим ўрин тутлади:

- банк капиталининг миқдорини балансли ва балансдан ташқари операциялар ҳажмининг ўсишини ҳисобга олган ҳолда прогноз қилиш;
- капитал миқдорини банк қабул қиладиган рискларнинг миқдорларини ҳисобга олган ҳолда прогноз қилиш;
- капиталнинг турли элементлари ўртасидаги меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган нисбатларга риоя қилиш [4].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Б.Бердияровнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғини барқарорлигини таъминлаш, соф фойданинг ўсиш суръати билан жами активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали активлар рентабеллигининг барқарор даражасини таъминлаш зарур [5].

Б.Бердияровнинг ушбу хулосаси республикамиз тижорат банклари пассивларининг умумий ҳажмида капиталнинг салмоғини барқарор эмаслиги, банкларда активларнинг рентабеллигини паст даражада эканлиги каби муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

А.Омоновнинг хулосасига кўра, тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигини ошириш учун девальвация захирасини тижорат банкларининг биринчи даражали капитали тарқибидан чиқариб, уни иккинчи даражали капитал тарқибига киритиш керак [6].

Фикримизча, А.Омоновнинг ушбу хулосаси девальвация захирасини тижорат банклари учун барқарор молиялаштириш манбаи эмаслиги билан асосланади.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари регулятив капитални шакллантириш ва унинг етарлилигига нисбатан пруденциал меъёрлар ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли Қарори билан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги низомга асосан амалга оширилади [7].

Мазкур Низомга мувофиқ:

- тижорат банкларининг биринчи даражали капитали регулятив капиталнинг 75 фоизидан кам бўлмаслиги лозим;
- иккинчи даражали капитал миқдори биринчи даражали капитал капитал миқдорининг учдан бир қисмидан ошиб кетса, ошган сумма регулятив капитал тарқибига киритилмайди;

– биринчи даражали асосий капитал банк регулятив капиталнинг 60 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

Шуниси аҳамиятлики, Базель кўмитаси томонидан Базель-III стандартининг жорий қилиниши ва унда тижорат банклари капиталнинг етарлилигига нисбатан талабларнинг кучайтирилиши банкларнинг капитал базасини барқарорлигини оширишга хизмат қилади. Хусусан, Базель-III стандартида тижорат банклари капиталнинг етарлилигига нисбатан талабларни кучайтиришга хизмат қилдиган қуйидаги янги талаблар жорий этилди:

– капиталнинг ҳимоявий консервация буфери жорий қилинди (биринчи даражали капиталга нисбатан 2,5 миқдорда);

– контрциклик буфер жорий этилди (регулятив капиталга нисбатан 2,0 фоизгача);

– биринчи даражали капиталнинг етарлилигига нисбатан минимал талаб амалдаги 4 фоиздан 6 фоизга оширилди [8].

Илғор хориж тажрибасини ўрганиш мақсадида дунёнинг йирик трансмиллий банкларидан бири бўлган Дойчебанкнинг (Германия) регулятив капиталнинг даражасига баҳо берамиз (1-жадвал).


1-жадвал

**Дойчебанкнинг (Германия) регулятив капитали миқдори ва унинг
пассивлар ҳажмидаги салмоғи, фоизда [9]**

Кўрсаткичлар	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.	2019й.
Регулятив капитал, млрд. евро.	67	64	68	68	62
Регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи, %	4,1	4,0	4,6	5,0	4,8

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Дойчебанкнинг регулятив капитали миқдори 2019 йилда 2015 йилга нисбатан сезиларли даражада (7,4%) камайган. Аммо, 2015-2019 йилларда Дойчебанк регулятив капиталнинг пассивлар ҳажмидаги салмоғи барқарор даражада бўлган. Бу эса, капиталнинг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Биз қуйида Дойчебанк капиталнинг асосий элементлари даражасига баҳо берамиз.



1-расм. Дойчебанк (Германия) регулятив капиталнинг умумий ҳажмида устав капитали, тақсимланмаган фойда ва қўшилган капиталнинг улуши, фоизда (2019 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра) [10]

1-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Дойчебанкнинг регулятив капитали ҳажмида асосий ўринни уч элемент – қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва устав капитали эгаллайди. Мазкур элементларнинг регулятив капитал ҳажмидаги улуши, 2019 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра, 90,3 фоизни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, Европа Иттифоқида тижорат банклари капиталининг етарлигини тезкор ва аниқ баҳолаш мақсадида стресс-тест усулидан кенг фойдаланилмоқда [11].

Шунингдек, мазкур мамлакатларда молиявий инқирозларнинг банклар фаолиятига нисбатан салбий таъсирини камайтириш мақсадида капиталнинг етарлигига нисбатан талабларни ошриш билан бир вақтда, депозитларни суғурталаш тизимига ҳам талаблар кучайтирилмоқда [12].

Энди биз республикамизнинг йирик тижорат банкларидан бири бўлган Асакабанкнинг регулятив капитали даражасига баҳо берамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Асакабанкнинг регулятив капитали ва унинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, фоизда [13]

Кўрсаткичлар	2014й.	2015й.	2016й.	2017й.	2018й.
Регулятив капитал, млрд. сўм.	801	915	1023	3083	3168
Регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, %	14,1	12,4	9,8	12,7	13,8

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, Асакабанк регулятив капиталининг миқдори 2014-2018 йилларда ўсиш тенденциясига эга

бўлган. Бунинг устига, 2016-2018 йилларда Асакабанк регулятив капиталининг пассивлар ҳажмидаги салмоғини ўсиш тенденцияси кузатилган.



2-расм. Асакабанк регулятив капиталининг таркиби, фоизда (2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра) [14]

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Асакабанк регулятив капиталининг умумий ҳажмида нисбатан юқори салмоқни устав капитали ва тақсимланмаган фойда эгаллайди. Қўшилган капитал эса, банк регулятив капиталининг ҳажмида жуда паст салмоқни эгаллайди. Бу эса, Асакабанк акцияларининг инвестицион жозибадорлигини таъминланмаганлигидан далолат беради.

2-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Асакабанк регулятив капиталининг таркибида нокумулятив имтиёзли акцияларни сотишдан олинган пул маблағлари ва субординациялашган қарз мажбуриятлари мавжуд эмас. Бу эса, Асакабанк капиталининг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Хулоса ва таклифлар

Базель кўмитаси томонидан банк назоратининг янги стандартида тижорат банклари капиталининг етарлиликка нисбатан талабларнинг кучайтирилганлиги банкларнинг капитал базасини барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

2015-2019 йилларда Дойчебанк регулятив капиталининг пассивлар ҳажмидаги салмоғини барқарор даражада бўлганлиги капиталнинг барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Асакабанк регулятив капиталининг таркибида нокумулятив имтиёзли акцияларни сотишдан олинган пул маблағлари ва субординациялашган қарз мажбуриятларининг мавжуд эмаслиги унинг капитални барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, республикаимиз тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигини, илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда, таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигини регулятив капиталнинг умумий ҳажмида қўшилган капитал ва нокумулятив капиталнинг салмоғини ошириш орқали таъминлаш мақсадида, биринчидан, инфляция ва девальвациянинг паст ва барқарор суръатларини таъминлаш, банк капиталининг рентабеллик даражасини ошириш йўли билан уларнинг оддий ва имтиёзли акцияларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш керак; иккинчидан, инвесторларнинг банкларнинг нокумулятив имтиёзли акцияларидан олинadиган даромадларига нисбатан фойда солиғининг пасайтирилган ставкаси қўлланилиши керак; учинчидан, акциядорлар умумий йиғилишига нокумулятив акцияларга дивиденд тўламаслик ҳуқуқини бермаслик лозим.

2. Устав капитални банклар фаолиятини молиялаштиришнинг нисбатан барқарор манбаи эканлигини ҳисобга олган ҳолда, устав капиталнинг регулятив капитал ҳажмидаги салмоғининг пасайишига йўл қўймаслик мақсадида, регулятив капиталнинг ўсиш суръатини устав капиталининг ўсиш суръатидан юқори бўлишига йўл қўймаслик зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонида 1-илова//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблицер, 2017. – С. 396.

3. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. – С. 97.

4. Лаврушин О.И. Управление деятельностью коммерческого банка (банковский менеджмент). – М.: Юрист, 2003. – С. 328.

5. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д., илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 29.

6. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 32 б.

7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил 13 июндаги 14/3-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 июлда 2693-рақам билан рўйхатдан ўтказилган) "Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарори//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №27.- 17-29-б.

8. Basel Committee on banking supervision. Basel-III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems-Basel-III, 2010. <http://www.bis.org.publications>.

9. Deutsche Bank. Annual Reports. Concolidated Balance Sheet. www.db.com (Дойчебанк).

10. Bank. Annual Report. 2019. Concolidated Balance Sheet. www.db.com (Дойчебанк).

11. Utzig S. The Financial Crisis and the Regulation of Credit Rating Agencies: A European Banking Perspective. ADBI Working Paper Series. №188 January, 2010. – P. 15.

12. Schoenmaker D. An Integrated Financial Framework for the Banking Union. European Economy. Economic papers 495. April, 2013. – P.10.

13. Асакабанк. Йиллик ҳисоботлар. www.asakabank.uz

14. Асакабанк. Йиллик ҳисобот 2018. www.asakabank.uz